

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Б. МУСТАФОЕВ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
МУСИҚА**



БУХОРО -2014

Ушбу методик қўлланма умумтаълим мактаблари мусиқа маданияти фани ўқитувчилари ва бу соҳанинг бўлажак мутахассислари амалиётга қўллаши учун тавсия этилади.

Қўлланмада мусиқа маданияти фанидан Давлат таълим стандарти, мусиқа маданияти фанининг мақсад ва вазифалари, фан ўқитувчилари тайёргарлик даражасига қўйилган талаблар, мусиқий фаолиятларни ташкил этиш ҳамда педагогик бошқариш, мусиқа маданияти таълими фан хонаси, мусиқа машҳулотларини режалаштириш тўғрисида тавсиялар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом

Муסיқа маданияти фани ўқитувчиси бошка фан ўқитувчилари катори **Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом** тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом 8 та яъни умумий қоидалар, умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари, умумий ўрта таълимни ташкил этиш, ўқув тарбиявий жараёни ташкил этиш ва унинг мазмуни, умумий ўрта таълимни бошқариш, халқаро ҳамкорлик бўлимларидан иборат.

1 бўлим «. Умумий қоидалар» деб аталади .**Унда** умумий ўрта таълим [«Таълим тўғрисида»](#), [«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»](#) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилиши, ўқиш муддати 9 йил бўлган умумий ўрта таълим да (мактабнинг I—IX синфлари) мажбурий ҳисобланиши, бошланғич таълимни (I—IV синфлар) қамраб олиниши, узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланиши таъкидлаб ўтилган. Шунингдек , умумий ўрта таълим муассасасининг Устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон [қарорига](#), мазкур Низомга мувофиқ ишлаб чиқилиши , умумий ўрта таълим муассасаси (мактаб) юридик шахс ҳисобланиши тўғрисида баён этилган.

2. бўлим “ Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари” га бағишланади. **Унда** ДТС га мувофиқ ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш умумий ўрта таълимнинг мақсади ҳисобланади..умумий ўрта таълим билимлар зарур ҳажмига асос солади, ўқувчиларда ташкилотчилик қобилиятлари ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки касб йўналишини ва таълимнинг кейинги босиқичини танлашга кўмаклашади, деб таъриф берилган..

Умумий ўрта таълимнинг вазифалари:га эса - ўқувчилар томонидан мунтазам билимлар олинишини таъминлаш, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантириш, базавий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантириш;

ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини, ижодий мустақил фикрлашни, касб танлашга ва атроф-оламга онгли муносабатни ҳосил қилиш;

миллий ҳамда умумбашарий кадриятларни узвий бирлаштириш асосида ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш масалалари киритилган.

3 бўлим “ Умумий ўрта таълимни ташкил этиш” деб номланади. Унда умумий ўрта таълим бошланғич таълим (I—IV синфлар), умумий ўрта таълим (I—IX синфлар). Деб белгиланиб, бошланғич таълим ўқиш, ёзиш, санаш, ўқув фаолиятининг асосий малака ва кўникмалари, ижодий фикрлаш хислатлари, ўзини-ўзи назорат қилиш ўқуви, нутқ ва хулқ-атвор маданияти, шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи асослари эгаллаб олинишини таъминлашга даъват этилганлиги таъкидланади. Умумий ўрта таълим мазмуни мажбурий ва кўшимча компонентлардан иборат бўлиши, ўқув фанлари ва умумий таълим дастурлари рўйхати умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти билан белгиланиши таъкидланган.

Мактабнинг ўқув-тарбиявий иши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган базавий ўқув режаси ва умумий ўрта таълим дастурлари асосида амалга оширилиши билдирилган.

4. бўлим “ Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни “ га бағишланган. Болаларни умумтаълим мактабига қабул қилиш тиббий-психология-педагогика комиссиясининг тавсияномалари бўйича 6-7 ёшдан амалга оширилади.

Жисмоний ва психологик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш махсус (ёрдамчи) мактабларда, шунингдек санаторий-интернат туридаги мактабларда амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади. Дарснинг, ўқув чораги ва ўқув йилининг давом этиш муддати, кунлар ва ҳафталар бўйича дарслар жадвали, ўқувчиларнинг синфларда ўқув юкламаси ва синфларнинг тўлдирилиши ҳамда ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштиришнинг бошқа масалалари умумий ўрта таълим давлат стандартига мувофиқ белгиланади.

Болаларнинг қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантириш учун фанларни чуқур ўрганиш йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган синфлар ҳамда мактаблар ташкил этилиши мумкин.

Ўқувчилар билими сифатини ва ўқитиш натижаларининг давлат таълим стандартига мувофиқлигини назорат қилишни таъминлаш учун қуйидаги назорат тартиботларини ўтказиш назарда тутилади:

зорий назорат — сўровлар, коллоквиумлар, семинарлар, контроль ишлар, тестлар тарзида ўқувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари мунтазам назорат қилинади;

оралиқ назорат — чорак тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин ўқувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмаларини баҳолаш учун амалга оширилади. У имтиҳонлар, тестлар, синовлар ва малакага доир ишлар шаклида ўтказилади;

босқичли назорат — ўқув йили тамом бўлгандан кейин имтиҳонлар, тест синовлари, синовлар шаклида амалга оширилади. Унинг асосида

рейтинг аниқланади ва ўқувчини навбатдаги синфга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

якуний назорат — ўқиш тугаллангандан кейин давлат аттестацияси шаклида ўтказилади.

Якуний аттестациянинг белгиланган тартибидан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўқувчиларни синфдан-синфга ва бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Мактабни битирувчиларга якуний тест аттестацияси натижалари, ўқувчининг рейтинги, таълим фанлари рўйхати, улар бўйича дарё соатлари сони ва баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат намунасидаги аттестат, алоҳида муваффақиятларга эришганларга эса имтиёзли аттестат берилади.

Имтиёзли аттестат 5—9-синфларда ўқиш даврида ўзлаштириш (рейтинг) бўйича фақат аъло кўрсаткичларга эга бўлган битирувчиларга берилади.

Умумий таълим муассасалари фан, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим ва ишлаб чиқариш муассасалари билан мустаҳкам алоқада иш олиб боради, деб таъкидланган..

5. бўлим “ Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш” деб номланади. Унда тегишли маълумотга, касб-кор тайёргарлигига ҳамда юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд ҳукми билан педагогик фаолият билан шуғулланиш тақиқланган шахслар бу ишга қўйилмаслиги, педагоглар таркиби ўқитиш йўналишлари (табиий-математика, гуманитар, ижтимоий ва бошқа фанлар) бўйича услубий секцияларга бирлашишлари, Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг ўқув-педагогик юкламаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши айtilган.. Мактаб маъмурияти ўқитувчилар, мураббийларнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини, уларнинг масъулияти ва касб маҳоратини ошириш бўйича аниқ йўналишли ишларни амалга оширади. Илғор педагогик ва ахборот технологияларини, янги (шу жумладан муаллифлик) ўқув дастурлари, дарсликлар, дидактик материалларни жорий этиш учун шарт-шароитларни таъминлайди, деб таъкидланган.

6 бўлим “ Умумий ўрта таълимни бошқариш” га бағишланади. Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, халқ таълими вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари умумий ўрта таълимни бошқаришнинг ваколатли органлари ҳисобланиши, мактабга бевосита раҳбарлик таълимни бошқаришнинг юқори органи томонидан тайинланадиган директор, давлатга қарашли бўлмаган таълим

муассасаларида эса — муассис томонидан амалга оширилиши, Умумий ўрта таълим қатнашчиларининг лавозим ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уларнинг бошқарув ваколатлари ва функциялари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, тегишли меъёрий ҳужжатлари, таълим муассасаси Устави билан белгиланиши таърифланаган. Шунингдек, мактабда педагогика кенгаши ташкил этилиши, у педагог ходимлар, ота-оналар, васийлар, хомийларни бирлаштирувчи ҳамда ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши ва унинг такомиллашувига кўмаклашувчи коллегиал орган ҳисобланиши, педагогика кенгаши функцияси мактаб Устави билан белгиланиши, мулкчилик шаклларида ва бўйсунитишдан қатъи назар, умумий ўрта таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш Давлат тест маркази ҳузуридаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан ўтказилиши, умумий ўрта таълим муассасаси аттестация натижаларига кўра давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкинлиги баён этилган..

7 бўлим “ Маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти” деб номланади. Унда Умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини маблағ билан таъминлаш белгиланган тартибда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва мактаб Устави билан тақиқланмаган шартномаларни бажаришдан ва бошқа хизматлар кўрсатишдан олинадиган маблағлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ва мақсадли бадаллари ҳисобига амалга оширилиши, умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий-техника таъминоти ва кадрлар билан таъминланиши белгиланган нормативларга мувофиқ эҳтиёжлар асосида амалга оширилиши таъкидланган..

8 бўлим “ . Халқаро ҳамкорлик” ка бағишланган бўлиб,

умумий ўрта таълимнинг бошқариш органлари ва уларнинг таълим муассасалари халқаро ҳамкорликни педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг тажриба ўрганиши ва малака ошириши, прогрессив халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантларини олиш соҳасидаги давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар ҳамда шартномалар асосида амалга оширадилар., деб белгиланган.

2008 йил 7 июлдаги “Болалар мусика ва санъат
мактабларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва
уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга
мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги ПК-910-сонли
Қарорнинг аҳамияти

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш ва маданий даражасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилик келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида” қабул қилинган Қарори ушбу сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.

Дастур моҳият эътибори билан мамлакатимизда бошланғич муסיқий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришни кўзда тутди. Дастурни 2009-2014 йиллар мобайнида амалга ошириш мўлжалланган. Бу ўринда Дастурда 136 та янги болалар муסיқа ва санъат мактабини қуриш, фаолият кўрсатаётган 142 та муסיқа мактабини эса капитал таъмирлаш уларни тобора ўсиб бораётган замонавий талаблар ва намунали лойиҳаларга мувофиқ таъминлаш назарда тутилганини қайд этиш мумкин. Ушбу мактабларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда муסיқа асбоблари, ўқув ва муסיқа асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга катта эътибор берилган.

Мазкур Дастурда ҳозирги вақтда болаларни муסיқий таълим ва санъатга жалб этиш мажбурий эмаслигидан келиб чиқилган ҳолда, ўқув жараёнлари орқали уларнинг умумий маданияти ва интеллектуал савиясини ошириш назарда тутилган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, муסיқа ва санъат билан шуғулланиш болаларни интеллектуал ҳамда маънавий ривожлантиришнинг энг муҳим ҳамда ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу масалага ғоят жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов келажак интеллектуал ва маданий томондан юксак тараққий топган миллат ва халқларнинг қўлида бўлиши ҳақида бир неча бор таъкидлаганлари бежиз эмас, албатта.

Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун кўзда тутилган катта миқдордаги маблағлар унинг қўлами нечоғлик кенглигидан далолат беради.

Дастурни 2009 -2014 йилларда амалга ошириш учун 355 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан муסיқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун 240 миллиард, уларни муסיқа асбоблари, ускуналари ва инвентарлар билан таъминлаш учун эса 115 миллиард сўм йўналтириш мўлжалланган. Муסיқа ва санъат

мактабларини нафақат вилоятлар марказларида, балки энг аввало қишлоқларда болаларнинг яшаш жойларига имкон қадар яқин бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим, деб таъкидланади.

Мактаблар қуриладиган жойнинг ўзига хос хусусиятларини, таълим оладиган ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, 200 ва 150 нафар болага мўлжалланган. Намунавий лойиҳаларда мусиқа ва хонандалик билан яқка тартибда ҳамда гуруҳ бўлиб шуғулланиш учун ихтисослашган синфлар қулай тарзда жойлаштирилган. Хореография, миллий рақс билан шуғулланиш учун синфлар ҳам кўзда тутилган. Рассомлик, ҳайкалтарошлик синфлари, компьютер графикаси каби замонавий санъат турлари билан шуғулланиш учун синфлар бор. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва металлга ишлов бериш, зардўзлик буюмлари, макраме, гобелен ва гиламлар тайёрлаш бўйича кўплаб миллий амалий санъат устахоналар мавжудлигини амалда қайд этиш даркор.

Бундан ташқари лойиҳаларда мусиқа ва санъат мактабларида ижодий муҳит яратиш, ёш авлодни баркамол ривожлантириш мақсадида ахборот-ресурс марказлари, назарий машғулотлар синфлари, маънавият ва маърифат хоналари ҳам кўзда тутилган.

Табиийки, бундай замонавий ва яхши жиҳозланган мактабларда юксак малакали ўқитувчилар меҳнат қилиши керак. Шунинг учун мусиқа ва санъат мактабларини юксак малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам ушбу Дастурнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Дастурда мусиқа ва санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларига муҳим ўрин ажратилган. Кам таъминланган оилаларга мансуб истеъдодли болаларнинг ўқиши учун пул тўлаш бўйича имтиёз бериш, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокида республика болалар фестиваллари ҳамда кўрик-танловларини мунтазам ўтказиш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Ушбу Дастурнинг Бухоро вилоятидаги ижросини кузатсак, бу борада талай ишлар амалга оширилганлиги ва бу ишлар давом эттирилаётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Когон шаҳри марказида кўркам ва замонавий типдаги 2 – БМСМ биноси қад кўтарди Бухоро шаҳридаги 4- ва Вобкент туманидаги 8- БМСМ лари капитал реконструкция қилиниб, жаҳон андозасига мос кўриниш касб этди.

Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 19 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари 2400 нафарга яқин ўқувчини камраб олган. Ўзига хос педагогик маҳорат ва тажрибага эга бўлган 400 дан ортиқ ўқитувчи-мураббийлар фаолият кўрсатмоқдалар. Дастурга мувофиқ амалдаги ўқув йилида ҳам Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида 2 та янги БМСМ биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди Шофиркон туманидаги 9- БМСМ эса капитал таъмирланади. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 5 миллиард 720 миллион сўм маблағ сарфланди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида” қабул қилинган Қарори ёш авлод истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш, уларга миллий ҳамда жаҳон мусика, тасвирий санъат намуналарини чуқур ўргатиш, миллий санъатимизни дунёга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ушбу Қарор ихтисослашган таълим даргоҳларигагина эмас, балки барча умумтаълим масканлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Умумий ўрта таълим мактабларида мусика маданияти фанининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, ”Кадрлар тайерлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар умумий ўрта таълим мактабларидаги бошқа ўқув фанлари қатори мусика маданияти фанининг ўқитилишини ҳам тубдан янгилашни талаб этмоқда.

Мусика маданияти фанининг мақсади: ўқувчиларнинг маънавий ,бадий ва ахлоқий маданиятини шакллантиришга ,миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишга, ижодий маҳорат, нафосат ва бадий дидни оширишга, фикр доирасини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қилади.

Мусика маданияти фани умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув фанлари, жумладан, адабиёт, тасвирий санъат, меҳнат ва бошқа фанлар билан боғланади.

Барча ўқув фанлари қатори мусиқий таълимда ҳам ДТС нинг жорий этилиши миллий мусиқий мерослардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий халқ куй ва кўшиқларида, хонанда, созандаларнинг ижодий фаолиятлари ва бугунги замонавий мусиқий фаолиятда ўз аксини топди. Мусика санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялаш, уларнинг баркамол бўлиб етишишларида ўзига хос ва такрорланмас манба бўлиб хизмат қилади.

Азалдан Шарк, жумладан, ўзбек мусика таълим –тарбияси педагогикаси ва унинг мукамал услубиетлари устоз ва шогирд анъаналари асосида такомиллашиб борган.

Давлат таълим стандартлари оммавий халқ мусика педагогикаси, профессионал мусика ижодкорлари, мусика ижрочилари асарларининг элементар асосларини ўргатишни меъёрлаштиради.

Мусика маданияти фанининг вазифалари: ДТС асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим, куникма ва малакалар билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш ,ижодкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик ва мусиқий дид каби хислатларни ривожлантиришни таъминлайди.

Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, оммавий мусиқа фаолиятлари: мусикани бадиий идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш, раксага тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш асосий мақсад ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим
мактабларида мусиқа таълим – тарбияси
Концепцияси**



Муסיқа таълим-тарбиясининг мақсади—ёш авлодни миллий муסיқа меросимизга ворислик қила оладиган, умумбашарий муסיқа бойликларини идрок эта оладиган, англайдиган ҳамда қадрлайдиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг муסיқий иқтидорини ривожлантириб, муסיқа санъатига меҳр ва иштиёқни ошириш, мусиқадан зарурий билим, амалий малакалар доирасини таркиб топтириш, иқтидорли ўқувчиларнинг муסיқий ривожланишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш-мактаб мусиқа таълим-тарбиясининг асосий вазифасидир.

Музыка таълим-тарбиясининг мақсади

Ёш авлодни миллий музыка меросимизга ворислик қилиб, умумбашарий музыка бойлигини идрок эта оладиган ҳамда кадрлайдиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишдан иборат.

Музыка таълим-тарбиясининг вазифалари

Уқувчининг музикаий
иқтидорини
ривожлантириб, музика
санъатига
меҳр ва иштиёқни ошириш

Музикадан зарур билим,
амалий малакалар доирасини
таркиб топтириш

Иқтидорли уқувчиларнинг
музикаий ривожланишлари
учун зарурий
шарт-шароитлар
яратиб бериш

Муסיқа маданияти фани ўқитувчилари

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Халқ таълими вазирлигининг муסיқа таълимига оид Қонун, Қарор ва буйруқларини
- умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва шу асосда муסיқа маданияти фани бўйича ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий талабларни билиши;
- -ўз мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот методик ишларни олиб бориш талабларини билиши;
- ҳар бир дарсга тегишли жихоз, восита, муסיқа чолғу асбоблари, кўргазмали куроллар, дидактик материаллардан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини маҳорат билан ўтказиш тажрибасига эга бўлиши;
- ўқувчилар эгаллаган билим, малака ва кўникмаларни аниқлаш учун тестлар тузиши ва уларни амалда қўлай билиши;
- Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий-маърифий, маданий меросларини ва уларнинг муסיқа илмини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини билиши ҳамда ўқувчиларга бу борада маълумотлар бериши;
- Ўқувчиларга ўргатилаётган қўшиқлар, тинглаш учун берилган муסיқа асарларининг муаллифлари ҳақида билиши ва айрим газалларни шарҳлаш малакасигна эга бўлиши;
- Муסיқа фани хонасининг намунавий жиҳозлаш рўйхатини, меъёрларини билиши, тегишли жихоз, техник восита, дидактик материаллардан фойдаланган ва уларни ишлатган ҳолда ўқув машғулотларини маҳорат билан ўтказиш тажрибасиги эга бўлиши;
- Ўзбек муסיқасининг тарихи, маҳаллий услублари, жанрлари, шунингдек жаҳон муסיқаси жанрларини билиши;
- Мустақил равишда ўз малакасини оширишнинг йўл ва усулларини;
- Муסיқа таълим-тарбияси бўйича синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларининг мазмун-мундарижаси, шакллари ва бундай ишларни ташкил этиш йўллари ва усулларини;
- Ўзбек халқ муסיқа мероси, унинг жанрлари ва маҳаллий услублари, ўзбек миллий чолғу асбоблари ва улардан ташкил топган турли ансамбллар, оркестрларнинг турлари ҳақида билиши;
- Мақом, Шашмақом унинг чолғу ва айтим йўларини билиши,
- Шарқ халқлари мумтоз муסיқаси, уларнинг ўхшашлиги ва бир-биридан фарқини билиши;
- Синф раҳбари ишининг мазмун ва моҳиятини, шакл ва усулларини билиши ҳамда бундай ишларни олиб бориш малакасига эга бўлиши;

- Иктидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ва уларга табақалашган таълим бериш йўллари ,шакллари ҳамда усуллари билиши;
- Мусиқа маданияти фани бўйича муаммолар, янгиликлар, илмий изланишлар ҳақида билиши;
- Умумий ўрта мактабларида илмий-услубий, тажриба-синов ишларини олиб бориш тартиб-қоидаларини билиши;
- Дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш малакасига эга бўлиши;
- Умумий ўрта таълим мактаблари педагогик ходимларини аттестация қилиш ва тоифаларини кўтариш тартиб-қоидалари ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- Мусиқий олимпиада, "Санъат байрами", "Ўзбекистон Ватаним маним", "Шарқ тароналари" мусиқий танловларини ўтказиш Низомини;
- Мусиқа таълим-тарбияси бўйича ихтисослашган мактаб ёки чуқурлаштирилган синфларда таълим-тарбиянинг мазмун-моҳияти, талаблари уни ташкил этишнинг шакл ва усуллари ҳақида маълумотга эга бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепциясида 1У-бўлим: "Ҳозирги замон мусиқа ўқитувчиси" деб номланади. Унда ҳозирги замон мусиқа ўқитувчиси - юксак маданиятли, ўз касбига чексиз садоқат, илғор педагогик тафаккур эгаси бўлмоғи лозим. У ўзининг узлуксиз касбий маданий ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши шарт. У мусиқа, нафосат, педагогика ва психология - физиология фанларидан, хусусан мусиқа ўқитиш услубиётидан комплекс тарзда чуқур билим ва малакалар эгаси бўлмоғи даркор. Айниқса, мусиқа ўқитувчиси ихтисосида зарур меъёрга чолғучилик, хонандалик, хор дирижёрлиги ва мусиқа назариячилиги сифатида мужассам бўлмоғи лозим. У миллий мусиқа ҳамда ўзбек адабий тилини мукамал билмоғи, умумбашарий мусиқа маданиятидан, кундалик мусиқий-маданий ҳаётдан воқиф бўлиши шарт. Мусиқа муаллими педагогик мулоқот устаси бўлиши, ҳар қандай вазиятда ҳам педагогик таъсир усулларидан унумли фойдаланиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим" лиги таъкидлаб ўтилган.

МАШҒУЛОТЛАРДА МУСИҚИЙ ФАОЛИЯТЛАР

Мусиқа маданияти фанидан дарс жараёнида ўқув фаолиятларини ташкил этиш муҳим педагогик аҳамиятга молик масалалардан биридир. Замонавий мусиқа маданияти дарсларида мусиқа идроки (тинглаш) етакчи фаолият сифатида муҳим роль ўйнайди. У икки ҳолатда амалга оширилади. Биринчи ҳолатда маълум асар тингланиб, идрок этилади ва унинг бадиий тавсифлари дарс мавзусига доир оддий мусиқий-педагогик таҳлил этилади. Эшитиш орқали асарни тушуниш ҳамда онгли идрок этиш асарнинг мусиқий хусусиятлари (жанри, тузилиши, ифода

воситалари, ижрочиличи) ва бадиий мазмуни ҳақида маълум билимларга эга бўлинади. Иккинчи ҳолатда эса мусиқа асарлари тингланиб сўнг у ёки бу фаолият кўпроқ қуйлаш орқали урганилади. Унинг бадиий мазмуни хусусиятлари амалий фаолиятда ифодаланади.

Тинглаш ва қуйлаш ўқув материаллари таълим мазмунини ташкил этади. Уларни тинглаш ва қуйлаш фаолиятлари воситасида ўрганиш билан бирга, чолғучилик, мусиқий ритмик ҳаракатлар ҳамда ижрочилик фаолиятлари билан ҳам ҳар томонлама ўзлаштириш ҳамда мусиқий тавсифларини ушбу фаолиятлар воситасида ифодалаш имкониятлари яратилади.

Асарнинг мусиқий тузилиши, характери, ифода воситалари, ҳаётдаги ўрни жихатидан ўрганилиб мусиқа тинглаш фаолияти қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- 1. Асарни тинглашга болалар диққатини жамлаш ва асар ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи**
- 2. Ўқитувчи ижросида ёки техник воситалар ёрдамида асарни тинглашни ташкил этиш**
- 3. Асарни суҳбат йўли билан мусиқий - бадиий жиҳатдан оддий таҳлил қилиш**
- 4. Асарни тўлалигича қайта такрор тинглаш, сўнг асар ҳақида ўқувчиларнинг умумий бадиий таассуротлари юзасидан суҳбат уюштириш.**

Мазкур ишлар жараёнида ўқувчиларга мусиқа ҳақида билим ва тушунчалар, малака, кўникмалар ҳамда умумлашма бадиий таассуротлар, тажрибалар ҳосил бўлиб боради.

Жамоавий айтим (хор булиб қуйлаш) - жамоавий ижрочилик фаолиятининг шаклларида бири. У мактаб ўқувчиларининг қуйлаш маданиятини ривожлантиришда, уларнинг умумий ва мусиқий дунёқарашларини шакллантиришда, маънавий камолга етишларида муҳим аҳамиятга эгадир. Мусиқа маданияти фанидан таълим стандартига асосан жамоа бўлиб қуйлаш фаолияти ўқувчиларни мусиқий ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Синфда жамоа бўлиб қуйлаш жараёнида ўқувчи ўз овоз ижросини бошқаришни, ўртоқлари ижросини эшитиш, кузатишни ҳамда улар билан ҳамжиҳат жўровозлик қилишга интилади.

Мусиқа саводи барча фаолиятларни назарий бирлаштирувчи ва ўқувчиларнинг мусиқа саводхонлигини таркиб топтирувчи фаолият сифатида муҳимдир. Дарсда қайси фаолият машғулоти (тинглаш, қуйлаш, рақс ва бошқалар) қўлланилмасин унинг амалиётида фойдаланилаётган асар ўрганилади ҳамда унинг хусусиятлари (жанри, тузилиши, ижрочиличи ва ҳ.к) ҳақида янги тушунчалар ҳосил бўлади. Шу боис, мусиқа саводи фақатгина нота саводи услубларидан иборат бўлиб қолмай, балки ўқувчиларни умумий билим, тушунчалар мажмуаси (мусиқа шакли, жараёнлари, чолғулари, ижрочиличи, халқ, бастакорлик

музиқаси, уларнинг фарқлари, миллий музиканинг маҳаллий услублари, нота саводи ва ҳ.к) сингдириб боришдан иборат.

Нота саводини ўқувчилар 1-синфдан бошлаб ўзлаштира бошлашади. Кўпгина болалар мактабгача тарбия даврида боғчага қатнаб у ердаги музика машғулотларида бир қанча музикаий малакаларга эга бўлишади. Кўпгина қўшиқлар, ўйинларни ўрганиш, ритм, рақс малакалари билан танишган бўладилар.

Мактабда музика саводхонлигини ўрганишда қуйидаги асосий методик талаб олинган - музикаий билимни бевосита амалга қўллашни ҳамда савод ўрганиш билан биргалашиб жамоавий тарзда қўшиқ айтишни бир-бирига чамбарчас боғлаб олиб боришдан иборатдир.


Боланинг ақлий, эстетик ва жисмоний ривожланишида рақс, музикавий ўйин ҳамда музика билан ҳаракат катта аҳамиятга эгадир. Музикаий фаолиятнинг бу турлари боланинг ҳар томонлама ўсишида ёрдам беради. Биринчидан, унинг музикаий ўқуви, айниқса ритм туйғуси, музикаий хотираси яхши ривожланади, чунки ҳар қандай ҳаракат тури музика ритми ва тактлари остида бажарилади. Ҳаракат билан боғлиқ бўлган музика оҳанглари бола хотирасида тургун сақланади. Иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, рақс ва музикаий ҳаракатлар болада ҳаракатчанлик, чаққонликни ривожлантириб, баданни чиниқтиради, қоматни тўғри ўсишига катта ёрдам беради. Учинчидан, музика асарлари болада турлича эмоционал ҳислар уйғотади, турлича кайфиятлар ҳосил этиб, унинг онгига ўзига хос образлар яратади. Демак, музика билан ҳаракат музикаий - ритмик ҳаракатларни бажариш боланинг ақлий ва эстетик қобилятини ҳамда иродасини мустаҳкамлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Музика, рақс ва ўйинлар кичик ёшли болаларда тез таъсир этади.

Шунинг учун қувноқ рақс, қизиқарли музикали ўйинлар ҳар бир боланинг эътиборини ўзига тортади. Бинобарин, музика маданияти дарслари давомида ўқувчиларнинг музикаий ритмик ҳаракатлари фаолиятини амалга оширишнинг муҳимлиги ҳам аҳамиятлидир.

Ўқувчи - ёшлар музика маданиятини тарбиялашда ўқув фаолиятларидан яна бири - болалар музика чолғу асбобларида чалиш машғулоти ҳам аҳамиятлидир. Дарсларда фаолиятнинг ушбу туридан фойдаланиш - бола музикаий қобилятларини ривожлантириш, кичик ёшдаги ўқувчилар бадиий билим ва тажрибасини бойитиш, уларнинг ижрочилик фаолиятига бўлган қизиқишларини янада ривожлантиришга қаратилади. Бунда болаларни музикаий ижрочилигига эмоционал муносабатини тарбиялаш мақсадга мувофиқдир. Бошланғич синфларда музика маданияти машғулотларида болалар чолғу асбобларида ижро этиш фаолиятининг киритилиши қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал этишга қаратилади:

1. Болаларнинг дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда, бўш пайтларида, байрамларда, оилада дам олиш вақтларида ижрочилик фаолиятларини амалга оширишга руҳлантириш, тайёрлаш
2. Ўқувчиларда бадиий дид, қизиқиш, музикаий эҳтиёжини шакллантириш
3. Ансамблда баҳамжиҳат бўлиб ижро этиш жараёнида қизиқишни шакллантириш ва тарбиялаш, музикаий чолғуларнинг тембр, товуш хусусияти имкониятларини билиб олиш, биргаликда ижро гармониясини ҳис этишга ўргатиш.
4. Ладни англаш, ритм туйғуси, музика шакли, тембри, гармоник ва мелодик хусусиятларини ҳис этишни фаоллаштириш
5. Музикаий нутқ, ифода воситалари хусусидаги тасаввурларни шакллантириш ва бошқалар.

Демак, чапак ва чолғу асбобларида чалиш фаолияти ҳам рақс ва музикали ҳаракатлар сингари ўқувчиларнинг музикаий ўқув қобилиятлари ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун фойдалидир.



МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТАЪЛИМИ ФАН ХОНАСИ

Мактаблардаги мусиқа хоналарининг талаб даражасида жиҳозланиши долзарб аҳамият касб этадиган масалалардан бири. Зеро, уч минг йиллик тарихини яратган ўзбек халқи ҳаётида мусиқаннг ўлмас ва бой маданий мероси вужудга келган бўлиб, мутахассислар бунинг 4 та минтакавий йўналишга ажратишган - Фарғона- Тошкент, Бухоро- Самарқанд , Сурхандарё - Қашқадарё ва Хоразм. Бой мусиқий мерос ҳақидаги билим, малака ва кўникмани ўқувчиларда ҳосил қилиш аввало етук мутахассис ва қолаверса, дид билан жиҳозланган, кўргазмали воситаларнинг бир қанчаси муҳайё қилинган фан хонаси бўлишини тақозо этади.

Техник воситалар – аудио, видеомагнитофон, телевизор, нота varaқалари, таниқли ўзбек, жаҳон композиторларининг портретлари мавжуд фан хонасида мусиқа машғулотларининг ўтилиши таълим самарадорлигига сезиларли даражада таъсир этади, албатта. Техник жиҳозлар болада кўриш, ҳис қилиш, тинглаш, мусиқа саводига оид плакатлар мажмуаси ҳам жуда зарур. Бундан ташқари мусиқа хонасида ғижжак, чанг, най, рубоб, дойра, дутор бўлиши керак.

Синфдан ташқари тўғарак ишларини ривожлантириш, ўқувчиларда жамоа бўлиб куйлаш маҳоратини шакллантириш мақсадлари учун Европа чолғу асбобларидан 1 дона фортепьяно, 1 дона аккордеон ҳар бир мактабнинг мусиқа хонасидан жой олиши белгиланган. Гитара, скрипка, балалайка, бубен каби чолғу асбоблари билан таъминланган мусиқа хонасида ўша мактаб ўқувчилари ўзга миллат мусиқа асбобларини ҳам чалишни ўрганадилар.

Умумий ўрта таълим мактабларини мутахассис ўқитувчилар билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга молик масала. Бусиз фан хоналарининг намунали жиҳозланиши ўқувчиларда таълим мазмунининг мажбурий талаб ва минимумларини ҳосил қилиш жуда қийин.

Мактаб мусиқанинг сеҳрли таъсир кучи, тарбиявий хусусиятларини тарғиб этар экан, бу аввало мусиқа маданияти таълими фан хонасининг талабга мувофиқ жиҳозланиши, мутахассисларнинг пухта сабоқ улашиши билан боғлиқлигини эътироф этиш лозим.

Педагогик маҳорат - мусиқа ўқитувчиси касбий фаолиятининг асоси

Замонавий педагогика таълими тизимининг мақсади ўқитувчининг узлуксиз умумий ва касб камолотига эришишини таъминлашдан иборат, чунки умумий ўрта таълим мактаби мусиқа маданияти фани ўқитувчиси олдида, унинг касб малакасига ва шахсий хислат, фазилятларига нисбатан юксак талабларни қўймоқда.

Ўқитувчини тайёрлаш олий ўқув юртидаги бутун таълим-тарбия ишларининг мажмуи воситаси билан амалга оширилади. Ўқув жараёни ва дарсдан ташқари иш унинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Мунтазам ёндашув бўлажак мутахассисларда ўқитувчи касби учун зарурий билим, маҳорат қўникмаларни ҳамда шахсий хислатларни ривожлантириш учун олий таълимнинг барча имкониятларидан фойдаланишни таъминлайди. Шу вазифани муваффақиятли ҳал этишини таъминлаган воситалар орасида мусиқа – педагогикаси соҳаси учун касбий маҳорат асосларини таркиб топтириш катта аҳамиятга эгадир. Бу восита бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёрлаш тизимининг таркибий қисмидир.


Назарий билим, тайёргарлик уларнинг билим доирасини кенгайтириш учун қулай шароит яратади, бўлажак мусиқа ўқитувчисининг шахсини шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Талабаларда педагогик меҳнати қўникмаларини, маҳоратини, бу меҳнатга ижодий ёндашиш кайфиятини ривожлантиришга, ўзининг руҳий ҳолатини бошқара билиш, бошқа инсоннинг ҳиссий ҳолатини тушуниш ва англаш каби қобилиятларни ривожлантиришга қўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида қайд қилинишича – «Таълимда умуминсоний ва миллий маданий кадриятларнинг устиворлиги таълим - тарбияда мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишини белгилайди». Республикамизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янгиланган тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга молик масалалардандир. Айниқса, бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш, уларда педагогик сифатларни шакллантириб ривожлантириш – олий таълимнинг мусиқа-педагогика йўналиши олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепциясининг алоҳида бир боби замонавий мусиқа ўқитувчиси ва унинг касбий сифатлари мажмуига бағишланади. Хужжатда таъкидланишича: «Хозирги замон мусиқа ўқитувчиси юксак маданиятли, ўз касбига чексиз садоқат, илғор педагогик тафаккур эгаси бўлмоғи лозим». У ўзининг узлуксиз касбий ва маданий ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши шарт. У мусиқа, нафосат (эстетика), педагогика ва психология-физиология фанларидан, хусусан мусиқа ўқитиш услубиётидан комплекс тарзда чуқур билим ва малакалар эгаси бўлмоғи даркор. Айниқса мусиқа ўқитувчиси

ихтисосида зарур меъёрида чолғучилик, хонандалик, хор дирижерлик ва музика назариячилиги сифатлари мужассам бўлмоғи лозим. Ҳозирги музика ўқитувчиси илмий тафаккур эгаси, илғор тажрибалар шайдоси, изланувчан ва ижодкор бўлиб, музика ўқитишнинг янги шакл ва усулларини кашф этишга интилоғи лозим. У музика таълим тарбияси мазмунини бошқа фанлар мазмуни ва кундалик ҳаёт билан боғлаб, бойитиб олиб бориши даркор. Изланувчан ва ижодкор ўқитувчининг илғор тажрибаси ва кашф этган янги усуллари мактабдаги музика таълим-тарбиясини доимий равишда такомиллаштириб ривожлантиришнинг асосий таянчи ва илҳом манбаидир. Билимдон ва тажрибакор музика ўқитувчиси санъат зиёлиси сифатида мактабда музикаий-маърифий ишларнинг саркоридир».

Ўқитувчининг касбий сифатларига қўйилган талаблар шакллантирилиши учун, албатта талабалик пайтларидаёқ чора-тадбирларни амалга оширмоқ лозим. Зеро, музика ўқитувчиси педагогик маҳоратининг профессионаграммаси - музика муаллими олдига мутахассислик касби бўйича қўйиладиган талаблар тизимини таркиб топтиришни талаб этади.

Музика ўқитувчиси педагогик маҳорати профессионаграммаси



Муסיқа ўқитувчиси касбий хусусиятларига характеристика.

МЕТОДОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИК:

1. Ижтимоий ривожланиш моҳияти ва муסיқа санъати қонуниятларини англаш.
2. Турли шаклда оммавий тарғибот ва маданий, муסיқий - маърифий ишларни олиб бориш малакаси.
3. Ахлоқий – маънавий тарбия методикасини билиш ва эстетик, бадиий тарбия амалиётида уни тадбиқ эта билиш.

ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИК.

1. Психологик –педагогик фан асосларини билиш, таълим-тарбия назарияси, муסיқа санъати психологияси ва шахснинг психологик ривожланиш қонуниятларини билиш.
2. Педагогика-психологиядан назарий материални билиш билан бирга ўқув - тарбиявий ишлар методикасини чуқур эгалламоқ, унинг асосий жиҳатларини ўқув-тарбия амалиётига қўллай билиш.
3. Муסיқий қобилиятлар психологиясини билиш, турли хил ёшдаги ўқувчиларнинг муסיқий эҳтиёж ва қизиқишлари шакллантиришнинг педагогик-психологик қонуниятларини билиш.
4. Ўз профессионал (касбий) фаолиятини танқидий баҳолаш малакаси, шахсий педагогик маҳоратни доимий такомиллаштириб бориш.
5. Психолого-педагогик тажрибалар олиб бориш малакасини эгаллаши, тадқиқот фаразини тасдиқловчи илмий натижа ва хулосалар чиқара олишга эришиш.

УМУМИЙ МЕТОДИК ВА МАХСУС МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИК.

1. Муסיқий тарбия ва ўқитиш методикасининг назарий асосларини чуқур билиш.
2. Ўқув жараёнини асосли режалаштириш ва уни тузатиш ҳамда тўлдиришлар билан бойитиш, муסיқий-дидактик материални мақсадга мувофиқ тарзда танлай олиш, уни етказа олиш.
3. Муסיқа маданияти дарсларида дидактик принциплар ва методлардан фойдаланиш, таянч муסיқий билимларни шакллантириш, турли ёш босқичи ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг қизиқишларини шакллантириш.
4. Ўқув жамоаси ишини бошқариш ва назорат қила олиш.
5. Илмий-методик адабиётлар билан асосли ва методик жиҳатдан самарали ишлай олиш малакаси, муסיқий эстетик - тарбия муаммоси ва унинг назарий ечимлари бўйича методик тавсиялар тайёрлаш.

МУСИҚИЙ- ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИК.

- Муסיқа назарияси ва тарихи бўйича муסיқий-назарий билимларга;
- Ўзбекистон муסיқа санъати ва жахон муסיқа маданиятининг ўзаро боғликлиги, умумбашарий хусусиятлари моҳиятини чуқур тушунмоқ, уларнинг ижтимоий-тарихий шароитлар билан ўзаро боғликлигини англамоқ;
- Муסיқа асарларини таҳлил қила олиш, уни тўлиқ идрок этиш, мантиқий англаб ҳис этмоқ;
- Хор дирижёрлиги ва вокал-ижрочилик бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш;
- Хор партитурасини ўқий олиш, ижрочилик ва асарларнинг хор-вокал таҳлили;
- Дирижёрлик техникасининг малака ва кўникмаларини тўлиқ эгаллаганлик;
- Овозни қўйиш методикаси, овоз тарбияси билан шуғулланиб билмоқ;
- Чолғу-ижрочилик ва жўрнавозлик фаолияти бўйича билим ва малакаларга эга бўлиш, чолғу асбобларини чала олиш маҳорати;
- Муסיқий - ижрочилик санъати ва якка ижро малакасини эгаллаганлик;
- Болалар қўшиқчилиги ва чолғу ижросига жўр бўлиш хусусиятларини пухта билиш;
- Якка ва ансамбл асарларини нотасини ўқий олиш.

Муסיқий—маърифий йўналишдаги турли ишларни олиб бориш малакаси:

- эстетик тарбия бўйича синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси сифатидаги фаолияти;
- муסיқа санъатининг тарғибот-ташвиқотчиси;
- нотиклик, муסיқий асар ижроси, жўрнавозлик;
- муסיқий социологик - тадқиқотчилик ва ҳоказо.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат- муסיқа муаллими касбий фаолиятининг асоси сифатида муҳим аҳамиятга молик масала. Муסיқа ўқитувчиси касбий фаолиятида нотиклик санъати ва тарғиботчилик маҳорати масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Муסיқани тушуна билиш, уни ҳиссий идрок этишда бадий сўз муҳим восита сифатида хизмат қилади, албатта. Бу жараёнда бадий сўз ҳеч қачон муסיқанинг теранлигини тушунтира олмаса-да, бироқ «сўз» сиз нозик ҳиссини англашнинг бу соҳасига яқинлашиб бўлмаслигини, унинг ўзига хос эмоционал кучга эга эканлиги, қалб нозик торларини созловчи хусусияти билан муסיқани англатишда ниҳоятда қимматли восита

эканлигини уктиради. Афсуски, узоқ йиллар давомида мусиқа таълими тизимида фанлар мусиқа ўқитувчисини тайёрлаш йўналишидан кўра кўпроқ мусиқачи-ижрочи маҳоратини эгаллашга қаратилди. Кўп ҳолларда битирувчилар орасидан мусиқа фанларини яхши эгаллаган, чолғу асбобларида мукаммал ижро этиш имкониятларига эга бироқ, нутқ маданияти яхши ривож топмаган ўқитувчилар шаклланди. Етишиб чиккан мутахассислар педагогик тайёргарлиги уларнинг ижрочилик маҳоратидан анча паст эканлиги амалда яққол намоён бўлиб турар эди. Бу ҳолнинг салбий таъсирини ҳатто бугунги кун мусиқа таълими амалиётида ҳам кўриш мумкин. Жумладан , кўпгина мусиқа ўқитувчиларининг нутқий маҳорати тўлиқ шаклланмаган, улар дарс мавзуларини ёритишда, ўқувчилар билан мулоқот ўрнатишда сўз ва фикр бойлигига етарли даражада эга эмас. Ёзма ва оғзаки нутқнинг гўзаллиги аниқ ва равлонлиги ҳамиша ҳам сезилмайди .

Мусиқа таълими ривожланиш йўлига кирган ҳозирги даврда ўқитувчининг касбий сифатлари орасида нутқий камолоти ҳам аҳамиятли. Зеро, бугунги кунда замонавий мусиқа маданияти дарсларида болалар чолғу асбобларида чалиш, мусиқий - ритмик ҳаракатларни бажариш, мусиқа ижодкорлиги сингари янги фаолият турлари билан мазмунан бойитилиши ўқитувчидан нафақат мусиқий билим, балки самарали нутқий педагогик бошқарувни ҳам талаб этади.

Бу эса бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини таркиб топтириш - олий таълимнинг долзарб муаммоларидан бири эканлигини билдиради..

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришни кўзда тутди. Бу ўз навбатида шахсни фан, техника, илғор технологиялар асосида тарбиялаш, ўқитиш, ривожлантириш масаласини ҳал этиш учун хизмат қилади.

Бунда педагогик технологияни амалиётга жорий қилиш эса муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Манбаларда таъкидлашча, “технология” тушунчаси фанга 1872 йилда кириб келди ва юнунча «технос» - маҳорат, санъат «логос»- фан сўзларидан иборат. **“Педагогик технология”** атамаси эса XX-асрда пайдо бўлган ва 1940-1950 йилларда **“таълим технологияси”** тарзида қўлланилиб, мазмунан ўқув жараёнида аудио-визуал техника воситаларидан фойдаланиш мазмунини англаган. Кейинчалик “Таълим технологияси” ўрнига **“дастурлаштирилган таълим”** атамасидан фойдаланиш кенг ёйилди. Сўнгра педагогик технология лойиҳалаштирилган таълим ва аниқ мақсадга қаратилган ўқув жараёнини ифода эта бошлади. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликлари давомида эса педагогик технология тушунчаси компьютерли ва ахборот технологиялари билан синоним тарзда қўлланила бошлади.

Педагогик технологияга методиканинг янги, ургатувчи билан ўрганувчининг узаро биргаликдаги фаолиятига асосланган соҳаси сифатида қараш мумкин. Соддароқ қилиб айтганда бугунги кунда педагогик технологиялар қандай қилиб, қандай усуллар билан уқитилса, натижа яхши бўлади, деган саволга жавоб беради. Янги педагогик технологиялар асосида уқитувчининг уқувчилар билан узаро ҳамкорлиги ва фаолияти ётади.

“Педагогик технология” – умумий номни англатса, **“Таълим технологияси”**- унинг илмий йўналишини, **“Ўқитиш технологияси”** эса амалий йўналишини ифода қилади. Бу ибораларнинг мазмунида уқувчиларга билим бериш билан уларни тарбиялаш ишларини фаоллаштириш масаласи ётади.

Республикаимизда бошқа фанлар қаторида муסיқий таълим ва тарбияни тизимли ривожлантиришда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Муסיқа таълими самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг муסיқа дарсига бўлган қизиқишларини ўстиришда, инновацион ва педагогик технологияларнинг аҳамияти катта. Ҳар бир халқнинг маданияти жаҳон халқлари тараққиётига таянган ҳолда ривож топади. Шу нуқтаи-назардан хорижий мамлакатлар муסיқий таълим-тарбия тизимининг интерфаол усулларини ўрганиш ҳамда уларнинг самарали турларини муסיқа дарслари таълим жараёнида ижодий тадбиқ этиш яхши натижа беради.

Мусиқани ўқитишда педагогик технологиянинг қўлланишида эса ўқув жараёнини лойиҳалаш орқали ўқитувчи катта педагогик маҳорат ва тажрибага эга бўлиши керак. Дарсларни аниқ лойиҳалаштириб, мусиқий ўқув материални ўқувчилар билимининг ўзлаштириш даражаларига мослаштириш лозим. Таълим тизимида янги педагогик технологияларни амалий тадбиқ этиш икки томонлама ўзаро боғлиқ жараён бўлиб, ўқитувчи касб фаолиятининг технологиялашуви ҳамда ўқувчи билим олиш фаолиятини технологиялаштиришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”** асосида ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти талаблари асосида, аввало таълим тизимининг асосий бўғинларидан бири бўлган умумтаълим мактабларида ўқитиладиган мусиқа маданияти дарслари учун махсус намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ қилинди. Мусиқа маданияти дарсларини стандарт талаблари ва намунавий ўқув дастурлари асосида ўтиш йўли бир қанча муаммоларининг ечимини топди ва бу бевосита мусиқа фани ўқитувчисининг фаолият имкониятига боғлиқлиги эътироф этилади.

“Интерфаол”- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида дўстона муҳит яратиш, дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни мустақил, фикр-мулоҳаза юритиши, муносабат билдириши каби кўникмани шакллантириш демакдир. Бу усулда ўқувчи ўзи фаол иштирок этган ҳолда яқка, жуфтликда, гуруҳларда муаммо ва саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади, кафолатлайди, баҳолайди, ёзади, сўзга чиқади, далил ҳамда асослар орқали қўйилган масалани ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бу эса ўқувчиларнинг хотирасида узоқ сақланади. Янги мавзу ахборотни ўзлаштиришда танқидий, таҳлилий ёндаша олади. Ўқитувчи фақат фасилитатор (йўл-йўриқ кўрсатувчи, ташкил қилувчи, кузатувчи) вазифасини бажаради.

“Интерфаол”–“ўқувчи- ўқувчи”, “ўқитувчи- ўқувчи” ўртасида содир бўладиган мулоқот усули (масалан: мусиқий асарни ўқитувчи ўқувчи билан биргаликда ижро этиши) ҳамкорликда ишлаш воситасида дарс самарадорлигини оширилишига эришилади. Илғор педагогик технологияларнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Бу усуллардан ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусияти, билим даражасига қараб фойдаланиш мумкин.

“Аклий ҳужум”- синфдаги ҳар бир ўқувчига ўқитувчи қўйган савол ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён этишга имкон берувчи ўқув услубидир. Услуб моҳияти ўқитувчи томонидан белгиланган муаммо ёки савол юзасидан эҳтимол тутиладиган ҳамма фикрлар вариантларини бир ерга жамлаш истисно тариқасида таълим олувчиларнинг барча фикрларни, шу жумладан айтарли тўғри бўлмаганларини ҳам инобатга олишдан иборат.

Бунда яхши идрок этиши учун ана шу фикрларнинг барчасини доскага ёзиб бориш керак. Бу нарса баён этилган фикрларнинг кейинги таҳлилида ўқувчиларни қўйилган савол ёки муаммосини тўғри тушунишга ундашга имконият беради.

“Ақлий ҳужум” ни ўтказиш услубияти

1. Ўқитувчи синфга савол, топшириқ ёки муаммо ташлайди ва ўқувчиларга ўз фикрини айтишни таклиф қилади.

2. Истисно тариқасида барча фикрлар (қанча кўп бўлса, шунча яхши) доскага ёзиб борилади.

3. Барча фикрлар ёзиб олингандан кейин ўқитувчи ўқувчилар билан ғояларни силлиқлаштиради, айтилган фикрларга тузатишлар киритилади, кейинчалик ишдан фойдаланиш мақсадида улардан энг муҳимларини ажратиб кўрсатилади

“Ақлий ҳужум” нинг ўтказиш қоидалари

1. “Ақлий ҳужум” ўтказиш учун белгиланган вақт регламентига аниқ риоя этиш лозим.

2. Белгиланган вақт доирасида барча хоҳловчиларга ўз фикрини баён этиш учун имконият бериш керак.


3. Ўқувчилар томонидан айтилган фикрлар танқид ва муҳокама қилинмаслиги ёки баҳоланмаслиги лозим.

4. Зарур бўлиб қолган тақдирда баён этилган фикрга тузатишлар киритиш керакки бу нарсa ғоя ёки фикрни аниқ ва қисқача ифодалаш имконини беради

ТАРМОКЛАР” методи (КЛАСТЕР)

Фикрларнинг тармокланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчилар билан бир мавзунини чуқур ўрганшларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга таалукли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашга ўргатади.

Бу метод бирон бир мавзунини чуқур ўрганиш аввало, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклда ифодалашга ундайди масалан,



Муסיқа асари жумласига ўқувчилар мос сўзларни топиб, уларни стрелкалар ёнига ёзадилар : кўшиқ, куй, оҳанг, ракс, жанр, шеър, характер, усул, композитор, шоир, ва хоказо. Бу вазифа ўқитувчи ёрдамида бажарилади.

“БУМЕРАНГ” технологияси

Мазкур технология муסיқа машғулоти давомида муסיкий-ўқув материалларни пухта ўзлаштириш, бадий идрок этишга йўналтирилган. У турли муסיкий- бадий фаолиятларда ўзни намоён этишга имкон бериб, топшириқларни бажариш навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролига бўлиши керакли балли тўплашга имкониятни беради.

“Бумеранг” технологияси мантиқни шакллантиришга имконият яратади : муסיкий асарларни идрок этиш ва унга муносиб бадий баҳо бериш кўникмаларини ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур **метод тарбиявий характердаги** қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа бўлиб муסיкий фаолият кўрсатиш, жамоавий айтим жараёнида бир-бирини эшитиш, муסיкий фаоллик, муסיкий фаолиятларда ижодий ёндашув, бадий фаолиятининг самарали бўлишига интилиш, муסיкий қобилият ва имкониятларини холисона баҳолаш ва ҳ.к.

“ТАРОЗИ” усули

Мазкур усул ўтган мавзуларни кўпроқ далиллар келтириш асосида қисқа ва лўнда ифодалаб, бошқа гуруҳ иштирокчиларини ишонтирган гуруҳ жавоби тарозисида вазмин келиб ёлиб чиқади. Ўқувчиларга 3 хил карточка тарқатилади, Бу карточкаларга ўқувчилар билган кўшиқлар номи ёзилган. Ҳар бир кўшиқдан парча тинглаб, ушбу суратга мос куйларни ёки қушиқларни эслаб, унинг таърифи ва мазмунини очиб берилади. Қайси гуруҳ тез ва чаққон далиллар келтирса ва давомини куйлаб берса, шу гуруҳ ёлиб ҳисобланади.

“СКАРАДЕЙ” технологияси **“Скарадей”** интерфаол технология бўлиб, ўқувчиларда мантикий фикрлаш, муסיкий хотиранинг ривожланишида имконият яратади, муסיкий фаолиятларни амалга оширишда ўз фикр ва муносабатини эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология ўқувчиларда мустақил равишда билим ва малакаларини холис баҳолаш, ўргатилаётган муסיкий мавзулар ҳақидаги тушунча ва бадий тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У айна пайтда муסיкий асарлардаги турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги бадий боғлиқликни аниқлаш имконини яратади.

Муסיқа маданияти машғулотларида **“Скарадей”** технологияси ўқувчилар томонидан осон қабул қилинади. Чунки у фаолиятнинг бадий фикрлаш, мусиқани ҳиссий идрок этиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. У ўқувчилар муסיкий тажрибасидан фойдаланишни назарда тутди, фаол муסיкий - ижодий ёндашув ва бадий ижрочилик имкониятларини ривожлантиради

“Скарадей” технологиясидан мусиқий фаолиятнинг барча босқичларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

“СИНКВЕЙН” усули

Ўқувчилар гуруҳларга бўлинадилар. Ўқитувчи ўзи танлаган ҳар бир гуруҳга ўқувчилар ўрганган турли кўшиқлардан 4 такт кириш қисмини ижро этиб бошлаб беради. Гуруҳлар, уларга ижро этиб берилган мусиқа орқали кўшиқ номини топиб, давом этишлари керак. Вазифани тўғри бажарган гуруҳлар ғолиб деб саналади.

“СКАРАБЕЙ” усули

Ўтилган мавзуларни такрорлаб мустаҳкамлаш. Икки гуруҳда ишлаш. Ўқувчиларга карточкалар тарқатилади. Уларда бир нечта асарлар номи ёзилган. Ҳар бир гуруҳлар бир-бирига карточкаларда ёзилган асар номини айтмасдан куйлаб ёки чолғу асбобида чалиб, ёки кўл ҳаракатлари билан кўрсатиб берадилар. Гуруҳлар асар номини топиб давом этишлари керак. Асарлар номини кўпроқ тўғри топган, тўғри кўрсатган ва тўғри ижро этган гуруҳ ғолиб деб саналади.

Ўтилган кўшиқларни такрорлаш

Битта ўқувчи синфдан ташқарига чиқиб кетади. Қолганлар келишиб бирор кўшиқни танлайдилар. Сўнг ҳаммалари ўзларига биттадан сўзни танлаб оладилар. Ҳамма тайёр бўлгандан сўнг ташқаридаги ўқувчи таклиф қилинади. У киргач, ҳамма бараварига ўзининг сўзини айта бошлайди. Бола ушбу кўшиқнинг номини топиши керак. Ўқувчи кўшиқ номини топгандан сўнг қарсақлар билан олқишланади. Ўйин тугагандан сўнг, болаларнинг таассуроти сўралади.

“Ижодий иш”- Талабаларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга қаратилган, мусиқий - эстетик дидлари, бадиий эҳтиёжларини шакллантирадиган услуб. Бу услубда талабаларнинг дарсдан бўш пайтларида мустақил идрок этган, ўрганган мусиқа асарлари тингланиб, дарс жараёнида ўқитувчи томонидан назарий кўрсатмалар берилади.

Юқорида келтирилган интерфаол усулларни ўқитувчи дарс жараёнида қўлласа, мақсадга мувофиқ бўлади. Ва ўқувчиларнинг эслаб қолиш қобилиятига ҳам ижобий таъсирини кўрсатади. Зеро, ўқувчи маънавиятини шакллантириш, мустақил фикрлашга ўргатиш, билим олишга қизиқишларини уйғотиш пировардида ўқувчи фаоллигини ошириш — таълим технологияларнинг моҳиятини белгилайди.

Халқимиз таълим - тарбияга оид жуда бой маънавий меросга эга бўлиб, авлодларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, самимийлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, меҳру-мурувват кўрсатиш каби умуминсоний сифатларни тарбиялаб келади.

Ҳозирги кунда мусиқа фани ва санъати воситасида ёшларда маънавий тарбияни ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб келмоқда.

Мусиқа маданияти фани ўқитувчиси таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиб, қуйидагиларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир:

- Ўқувчиларда мусиқа фани ва санъатига қизиқиш уйғотиб, мусикий қобилиятларини ўстириш
- Маънавий бойлигимиз - миллий мусиқа меросимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром, она - Ватанга садоқат туйғуларини тарбиялаш
- Ўқувчиларда бадиий дид ва эҳтиёжни ривожлантириб, табиат ва жамиятдаги гўзалликларни англаш ва ўз муносабатини билдириш хусусиятларини ривожлантириш

Хуллас, мусиқа маданияти таълими самарадорлигини оширишда инновацион ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти катта бўлиб, ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратини талаб этади.

Замонавий педагогик технология эса ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга бўлиб, у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёнини илмий асосда қуришга йўналтирилган, ўқитишнинг ахборотли воситаларидан ва дидактик материалларидан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига замин яратади.

Илғор, тажрибали ўқитувчилар дарс ишланмаларидан намуналар:

Мавзу: Опера санъати.

Технологик харита.

Мақсад ва вазифалар	Опера санъати ҳақида тушунча бериш. Ўқувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотиш, мавзуга оид билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш. Ўқувчиларнинг тарқатма материалларини якка ва гуруҳ ҳолида ўзлаштириб олишини назорат қилиш, уларнинг билимларини баҳолаш.
Ўқув жараёнининг мазмуни	Опера санъати ва опера турлари ҳақида тушунча бериш, жаҳон ва ўзбек операларидан тинглаш.
Ўқув жараёнини амалга ошириш	Услуб: мультимедия. Шакл: кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш, суҳбат – мунозара. Восита: тарқатма материаллар, видео ва аудио материаллар, фортепиано, раҳбатлантирувчи карточкалар. Усул: тайёр ёзма материаллар. Назорат: охзаки назорат, савол – жавоблар, кузатиш. Ўз – ўзини назорат қилиш. Баҳолаш: 5 балли тизим асосида раҳбатлантириш.
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: барча ўқувчилар мавзунини берилган вақт ичида ўзлаштиришига эришиш. Ўқувчилар фаоллигини ошириш. Опера санъатига қизиқиш уйғотиш. Дарс жараёнида кўпроқ ўқувчини баҳолашга эришиш, савол – жавобларда қатнашиб, мустақил фикрлашга ўргатиш. Ўқувчи: опера ҳақида янги билимларни эгаллайди, якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни, ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Нутқи, овоз пардалари ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар	Ўқитувчи: янги педагогик технологияларни ўзлаштириб, кейинги дарсларда қўллаши, ўз устида ишлаши, мавзунини ҳаётий воқеалар билан боғлай олиши, педагогик маҳоратини ошириш лозим. Ўқувчи: мустақил ишлашни ўрганади, фикрини аниқ баён қила олади. Газета журналлардан қўшимча материаллар топади. Мустақил фикрлаш малакасини ҳосил қилади.

1. Таълимий мақсад: ўқувчиларга опера ҳақида тушунча бериш ва сахнавий мусиқа асарлари ҳақидаги билим доираларини кенгайтириш.

2. Тарбиявий мақсад: ўзбек операларидан тингланган парчалар орқали бу санъат турига муҳаббат уйғотиш.

4. Ривожлантирувчи мақсад: ўқувчиларга сахнавий мусиқа асарларини бир-биридан фарқлашни ўргатиш, жаҳон композиторларининг дурдона сарларини тинглаш ва томоша қилиш ёрдамида эстетик дидини ривожлантириш.

Дарс тури: ноанъанавий медиа дарс.

Дарс усуллари: кичик гуруҳларда ишлаш, “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Венн диаграммаси”, бошқотирма, блимс-ўйин.

Дарс жиҳози: 5-синф мусиқа дарслиги, йиллик иш режа, режа-конспект, тарқатма материаллар, рағбатлантирувчи карточкалар, мултимедиа-такдимот, компьютар, проектор, экран.

Синф хонаси ноанъанавий дарс учун мўлжалланиб, парталар гуруҳларга мослаб қўйилган.


Дарсинг бориши: ўқувчилар синфга мусиқа садоси остида кириб келишгач, ўқитувчи уларни “Доирачилар”, “Дуторчилар”, “Сурнайчилар” гуруҳларига бўлиб, сардорларни тайинлади.

Уйга вазифани текшириш гуруҳларда ишлаш орқали ўтказилади. Сардорлар ўз гуруҳлари учун ўқитувчи тайёрлаб қўйган ёзма вазифаларни танлаб олди, топшириқларни биргаликда бажардилар. Ҳар бир гуруҳдан бир иштирокчи чиқиб, ўзларининг жавобини ҳимоя қилади.

**“Доирачилар” гуруҳи тақдироти.
1-гуруҳ: (“Кластер” усулидан фойдаланилди.)**



Дўторчилар” гўруҳи тақдимути
2-гўруҳ: (“Венн диаграммаси”дан фойдаланилади).



Ўқувчилар доираларни ушбу жавоблар билан тўлдиришди:

Музыкальная драма – кўпинча драматик, баъзан трагик хусусиятга эга жанр.

Музыкальная комедия – ҳазил-мутойибага асосланган, енгил, кулгили, юморга бой жанр.

Ўхшаш томонлари – сахна учун мўлжалланган музикалий асар.

“Сурнайчилар” гуруҳи тақдимоти
3-гуруҳда

Нота номи	Тўғри жавоб	Кетма-кетлик
Ре	2	1
Фа	4	2
Си	7	3
Соль	5	4
Ми	3	5
До	1	6
Ля	6	7

Ўқувчилар ноталарнинг кетма-кетлигини аниқлаб, **“Тўғри жавоб”** бўлимига ёзишди.

Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ жавобларини раҳбат карточкалари ёрдамида тақдирлади.

Ўқувчиларнинг эшитиш қобилияти, хотираси ва топқирлигини синаш учун олдинги дарсларда ўтилган мусиқа асарларидан парча эшиттириб, қайси асардан экани сўралади.

Биринчи гуруҳга Тўхтасин Жалиловнинг **“Тоҳир ва Зухра”** мусиқали драмасидан дуэт, иккинчи гуруҳга Улуғбек Мусаевнинг **“Тўмарис”** балетидан парча, учинчи гуруҳга эса Узеир Ҳожибековнинг **“Аршин мол-олон”** комедиясидан кўшиқ эшиттирилди. Тўғри жавоб берган гуруҳ ўқувчиларига раҳбат карточкалари топширилди.

Янги мавзу: **“Опера санъати”**

Ўқитувчи мултиедия намойиши ёрдамида аввал **“Ақлий хужум”** усулидан фойдаланиб, алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри, Сидней опера театри, Ла-Скала опера театри слайдларини кўрсатди. Опера ижрочиларидан кимларни билишларини сўради, ўқувчилар жавоби тинглангач, қуйидаги маълумотлар билан тўлдрди.

Ўқитувчи: - Опера мусиқа санъатининг энг йирик жанри ҳисобланади. У бастакорнинг талабига жавоб берадиган либретто, яъни шеърӣ-драматик пйеса асосида яратилади. **“Опера”** италян тилидан таржима қилинганда **“асар”** маъносини билдиради, **“Либретто”** эса **“китобча”** маъносини англатади. Операда воқеа ҳодисалар жонли

мусиқа остида кўшиқ асосида куйланади. Операдаги кўшиқлар турлича номланади.

Масалан, *ария, ариоза, дуэт, трио, монолог, речитатив* ва бошқалар.

Опера XVI аср охирларида Италияда пайдо бўлган. Ўша пайтда мавзуси ва мусиқа тилига қараб асосан 2 турга: жиддий ва ҳажвий операларга бўлинган. Аммо ҳозирги пайтда операнинг жуда кўп турлари мавжуд. Масалан, *рок-опера, опера-балет* ва ҳоказо. Бу санъат турининг энг ёрқин намуналарини Италиялик бастакор Жузеппе Верди (**“Риголетто”, “Отелло”, “Травиата”**), австралиялик бастакор Волфганг Амадей Мотцарт (**“Сехрли флейта”, “Фигаронинг уйланиши”**) яратган. Биринчи ўзбек операси эса Мухтор Ашрафий ва устози Сергей Василенко номи билан боғлиқ. **“Бўрон”** мусиқа асари 1939-йили саҳна юзини кўрди.

Тинглаш: ўқувчилар видео тасмасига ёзилган Жузеппе Вердининг **“Риголетто”** ва Сайфи Жалилнинг **“Зебунисо”** операсидан парчалар тинглаб, томоша қилишди.

Овоз созлаш ва мусива саводи учун ўқитувчи 4/4 ўлчовида дирижёрлик қилиб, **“Ҳайвонлар султони”** болалар операсидан **“Шер Султон ҳиргойиси”**ни аввал ўзи куйлаб берди, сўнг ўқувчилар билан бирга куйлашди.

Ўқитувчи: - Азиз ўқувчилар, бугун биз сиз билан **“Завқинг соч, қалдирғоч”** кўшиғини ўрганамиз. Шеър муаллифи – Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин, мусиқа муаллифи – болалар бастакори Надим Норхўжаев.

Ўқитувчи шеър матнини ифодали ўқиди.

*Сайрашинг қандай соз,
Экансан хуш овоз.
Тинглайман кўшиқдай,
Мазмуни қизиқдай.*

Нақорат

*Қалдирғоч, қалдирғоч,
Менга ўз дилинг оч.
Дилларга завқинг соч,
Қалдирғоч.*

*Оҳангинг, еҳ, майин,
Сайрагин, тинглайин.
Ҳар тонгда одатда,
Тинглайман роҳатда.*


Нақорат

Ўқувчилар қўшиқ матни билан танишгач, ўқитувчи фортепиано жўрлигида қўшиқни куйлаб берди. Кейин қўшиқни жумлаларга бўлиб, ўқувчиларга ўргатди.

Шундан сўнг дарсни мустаҳкамлаш учун савол-жавоб қилинади:

- 1. Биринчи ўзбек операсининг номи – “Бўрон”**
- 2. Мусиқада тўхташ белгиси – пауза.**
- 3. Операнинг шеърӣ-драматик асоси – либретто.**
- 4. Жузеппе Верди операларидан бирининг номи – “Риголетто”**
- 5. Операда ижро этиладиган қўшиқ тури – ария.**

Бошқотирма.



Ўқитувчи дарс сўнгида раҳбат карточкаларини ҳисоблаб, ғолиб гуруҳни аниқлади. Гуруҳнинг фаол қатнашчиларини муסיқа садолари остида рағбатлантирди.

Уйга вазифа қилиб мавзунини ўқиш, қўшиқни ёд олиш, муסיқа саводидаги машқни нота дафтарига ёзиб келиш топширилди.

7- синфда мусика маданияти фанидан 1 соатлик машгулот

Дарсининг мақсади:

Таълимий: ўқувчиларга ўзбек санъаткорлари ва мусиқий жамоалар ҳақида маълумот бериш, ДТС талабларига эришиш.

Тарбиявий: ўқувчиларга буюк аجدодларимиздан қолган бебаҳо маънавий мерос ҳақида маълумот бериш ва улар онгига сингдириш.

Ривожлантирувчи: ўқувчиларга ўзбек санъаткорлари ижро этган куйлардан намуналар эшиттириш, мусиқий асарларни таҳлил қила олиш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарсининг усули: ноанъанавий, “Ақлий ҳужум”, “Икки қисмли кундалик”.

Дарсининг жиҳози: 7-синф “Мусиқа” дарслиги, йиллий режа-конспект, фортепиано, чолғу асбоблари (рубоб, доира) ва кўргазмалар, техник воситалар, СД диск ёзувлари.

Дарсининг бориши: ўқувчилар Муҳаммаджон Мирзаевнинг “Баҳор валси” куйи садолари остида синфга кириб келишади.

Ташкилий қисм: саломлашиш, давомат аниқланади, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги текширилади. Ўқитувчи дарсни бошлашдан олдин ўқувчиларда “Сиз кимсиз?” савол-жавоб тадбирини ташкил қилади. Бир ўқувчи доска олдида таклиф этилади ва унга ўқитувчи: “Ҳозир мен сизга таъриф бераман, сиз буюк шахс, давлат арбоби, машҳур ҳофиз, улуғ сиймо, атоқли санъаткор бўлишингиз мумкин. Ким эканингизни саволларга жавобларингиздан билиб оламиз“, дея мурожаат қилади.

1. 1916-йил туғилгансиз. Сиз кимсиз?
2. 1949-йили Москва давлат консерваториясини битиргансиз. . Сиз кимсиз?
3. “Навоий” операсини, “Заррагул”, “Гўзал қизга” кўшиқларини ёзгансиз. . Сиз кимсиз?

Атоқли ўзбек бастакори ва композитори, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусикасининг муаллифисиз. Сиз кимсиз?

Ушбу саволлардан кейин ўқитувчи, албатта, атоқли санъаткор Мутал Бурхонов эканини айтади.

Янги мавзу баёни: Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб мусиқа санъатимиз ривожига катта ўзгариш рўй берди.

Энг аввало, буюк аждодларимиздан мерос мумтоз асарлар халқимиз орасида кенг тарғиб этилмоқда. Бунда атоқли санъаткор-ижрочиларнинг хизматлари бениҳоя катта. Жумладан, Ўзбекистон халқ артистлари Турғун Алиматов, Ғанижон Тошматов, Ғуломжон Ҳожикўлов, Ўлмас Расулов каби маҳоратли созандалар ғижжак, танбур, сато чолғуларида умтоз мусиқамиз ҳамда замондош бастакорлар асарларига ўзига хос сайқал бердилар. Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева, Марям Сатторова, Насиба Сатторова эса мақом ашула йўллари, Европа ҳамда миллий бастакорлар асарларини гўзал тарзда ижро этишга эришди. Мумтоз мақом ва халқ мусиқа ижодиёти намуналарини тингловчига бекам-у кўст тақдим этишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли, Хоразм вилоят телевидиниеси қошидаги Ҳожихон Болтаев номидаги “Мақом” ансамбли, Ўзтелерадиокомпания қошидаги “Дуторчилар” ансамбли сингари ижодий жамоаларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Айни пайтда Ўзбекистон мусиқа санъати асосан композиторлик ижодиёти асарларини янги турда ижро этишга мўлжалланган жамоалар фаолияти кўзга ташланади. Бу борада, айниқса, “Сўғдиёна” халқ чолғулари камер оркестри, Ўзтелерадиокомпания камер оркестри, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Дони Зокиров, номидаги халқ чолғулари оркестрларининг концерт чиқишлари эътиборли бўлмоқда.

Мусиқа тинглаш: СД диск ёзувидан Турғун Алиматов сато чолғусида ижро этган куйлардан бири тингланади.

Мусиқа саводи: “Қашқарча” доира усули 4/4 ўлчовида намоён бўлиб, ритм тузилмаси жиҳатдан куйидаги кўринишга эга:

Бум-ба-ка-бум-бак. Бум.

“Қашқарча” усули “Соқинома”га ўхшаш ўлчов-ритм жиҳатлари билан рақсбоп ҳисобланади.

Изоҳ: Ўқитувчи саволларни ўқийди. Ҳар бир тўғри жавоб битта нота товуш қаторига жойлаштирилади. Магнит доскага ҳосил бўлган товушлар қаторига қараб ўқувчилар куйлаш машқларини бажаради.

Масалан:

1-саволга жавоб – “До” товуши жойлаштирилади.

2-саволга жавоб – “Ре” товуши жойлаштирилади.

3-саволга жавоб – “Ми” товуши жойлаштирилади.

4-саволга жавоб – “Фа” товуши жойлаштирилади.

5-саволга жавоб – “Соль” товуши жойлаштирилади.

6-саволга жавоб – “Ля” товуши жойлаштирилади.

7-саволга жавоб – “Си” товуши жойлаштирилади.

8-саволга жавоб – “До” товуши жойлаштирилади.

Ўқитувчи: - Диккат қилинг, саволни ўқийман.

1. Шашмақом қачон ва қаерда шаклланган?
2. “Наср” қандай маънони билдиради?
3. Вена классик мактаби қачон ва қаерда пайдо бўлган?
4. “Иван Сусанин”, “Руслан ва Дюдмила” операларининг муаллифи ким?
5. “Нурхон”, “Тоҳир ва Зухра” мусиқали драмаларидаги мусиқалар муаллифи ким?
6. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мақомнинг неча тури мавжуд?
7. Хоразм мақомлари атоқли ижрочиларидан кимларни биласиз?
8. Хоразм мақомлари чертим йўли нима деб аталади?

(Саволлар жавобини тўғри топа олсангиз, магнит доскада товушлар қатори ҳосил қилади).

Жамоа бўлиб кўйлаш: Ғ.Алимов мусиқаси, П.Мўмин шеъри.
(Қўшиқ муаллифлари ҳақида маълумот берилиб, қўшиқ жумлаларга бўлиб ўргатилади).

Мавзу: АНСАМБЛЬ ТУРЛАРИ. КУЙ НИМА? КУЙДА НИМАЛАР ИФОДАЛАНАДИ?

ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Дарснинг мақсади:

- Ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш
- Чолғу ансамбллари ҳақида тушунча бериш
- Ўқувчиларни мусиқа тинглаш ва жамоа бўлиб кўйлаш маданиятини ўстириш

Дарснинг методи: Аралаш

Дарснинг жиҳози:

- 2 синф мусиқа дарслиги
- Фортепьяно ва миллий чолғу асбоблари
- Мусиқа саводига доир тасвирий иллюстратив кўргазмалар
- Техник воситалар

ДАРСНИНГ БОРИШИ:

Ўқувчилар мусиқа садолари остида синфга кирадилар. Ташкилий қисм. Қиш фасли ва Янги йил ҳақида суҳбат ўтказилади. Кластер методи ишлатилади:

Ўқитувчи ёрдамида қиш фасли ҳақидаги қуйидаги сўзлар изоҳланади:

Қор, янги йил, байрам, қўшиқлар, ўйинлар, арча ва ҳоказо.

Овоз созлаш машқи ўқувчиларга таниш бўлган мусиқалар намунасида ўтказилади.

Жамоа бўлиб куйлаш. Ўқитувчи ижросида Икром Акбаровнинг “Арча байрами” қўшиғининг кириш қисмини тинглаб, қўшиқ номи, композитори ўқувчилар томонидан аникланади. Сўнг ўқувчилар томонидан ифодали ижро этилади. Ўқитувчи ижросида Д.Зокировнинг “Янги йилим-яхши йилим” қўшиғи ифодали ижро этиб берилади. Ўқувчилар билан асар мазмуни, характери таҳлил қилинади. Кушик жумлалаб ўрганилади (аудио ёки СД диск ёзувларидан фойдаланиш мумкин.)

Янги мавзу: Чолғу ансамблидаги чолғу асбоблари тўғрисида ўқувчилар билимлари такрорланиб, ўқитувчи чолғу ансамблар турли чолғулардан тузилиши, қайси чолғу созларидан иборат бўлиши мумкинлиги ва рубобчилар, дойрачилар, дуторчилар, чангчилар ансамбллари ҳам бўлиши мумкинлиги тўғрисида тушунча беради. (Кўргазмали куруллардан фойдаланилади).

Мусиқа тинглаш : Чолғу ансамбли ижросида “Чертмак” халқ куйи тингланади (Аудио ёки СД диск ёзувида) Ўқувчилар куйни тинглаб, мусиқани, яъни унинг мазмуни, характери, темпи, нима ифодалангани, ифода воситалари ва қайси чолғуларда ижро этилганини таҳлил этадилар.

Ижодий фаолият : Ўқувчилардан чолғу ансамбли тўғрисида ва “Чертмак” халқ куйига қўл ҳаракатлари билан турли чолғуларда чалишни кўрсатиб, мусиқага жўр бўладилар.

Мусиқа саводи: Усул тинглаб ноталар санаш, “бак-бум” сўзи бўғинларини овозда айтиб стол четига бармоқлар билан усул ташлаб мусиқага жўр бўлиш

Дарсни режалаштиришда эътибор берилиши муҳим бўлган жиҳатлар:

- Машғулотларни махсус жиҳозланган мусиқа фани хонасида ўтказилишини таъминлаш
- Мусиқий ўқув материалнинг ғоявий йўналганлиги, баркамол авлод маънавий тарбияси вазифаларини бажарилишига қаратилганлигига эътиборни қаратиш
- Мусиқа маданияти дарсининг ўзига хос хусусияти ва имкониятларидан самарали фойдаланиш
- Мусиқий фаолиятларни ташкил этиш ва педагогик бошқаришда таълимнинг интерфаол усуллари кенг тadbик этиш
- Ўтиладиган мавзуларнинг илмийлигига эътиборни қаратиш
- Машғулот мавзусини ўқув режа ва дастурга мослигини таъминлаш
- Мусиқий фаолиятларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш ва дарс яхлитлигига эришиш
- Турли ёш босқичларида болаларнинг овоз хусусиятларини ҳисобга олиш
- Ўқувчилар мусиқий билимни синаш ва баҳолашда аниқ ва объектив ёндашувга эришиш
- Баён қилинаётган мусиқий ўқув материалларининг тўлиқлиги, изчиллиги ва кетма-кетлиги ҳамда ўтилган материаллар билан боғлиқлигини таъминлаш
- Дарс жараёни давомида ўқувчилар фаоллигини ошириш учун муаммоли ўйинларни ташкиллаштириш
- Мусиқий фаолиятларни амалга ошириш учун кўргазмали воситалар, мусиқа чолғу асбоблари, ахборот технолгиялари воситаларини олдиндан тайёрлаш
- Ҳар бир дарс учун таянч конспектларни тўлдириб, такомиллаштириб бориш

МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ВА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармойиши қачон қабул қилинган?

- А) 2009 й 7 сентябр
- Б) 2006 й 10 октабр
- В) 2008 й 7 январ
- Г) 2011 й 3 март

2. Ўзбекистон Республикаси Умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепцияси қачон қабул қилинган ва неча бобдан иборат?

- А) 1990 й 4 боб
- Б) 1997 й 6 боб
- В) 1999 й 5 боб
- Г) 1992 й 5 боб

3. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қачон қабул қилинган?

- А) 1999 й
- Б) 1997 й
- В) 1993 й
- Г) 2000 й

4. 2-синф Мусиқа дарслигининг муаллифлари ким?

- А) Нурматов Ҳ, Иброҳимов О.
- Б) Норхўжаев Н, Мансуров А.
- В) Нурматов Ҳ, Норхўжаев Н.
- Г) Иброҳимов О, Мансуров А.

5. Замонавий мусиқа маданияти дарсларида мусиқий фаолиятлар турлари?

- А) Мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, қўшиқ куйлаш
- Б) Мусиқа тинглаш, мусиқа адабиёти, хор бўлиб куйлаш
- В) Мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, жамоавий айтим, болалар чолғу-асбобларида чалиш, мусиқий ритмик ҳаракатлари, мусиқа ижодкорлиги
- Г) Мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқий чолғуларни чалиш, мусиқа тарихи

6. Мусиқа маданияти фанидан 4-7 синфларда ҳафталик ўқув соатлари қанча?

- А) 2 соат
- Б) 4 соат
- В) 1 соат
- Г) 3 соат

7. Мусиқа маданияти фанидан I-VII синфларда жами йиллик соати қанча?

- А) 320 соат
- Б) 250 соат
- В) 237 соат
- Г) 260 соат

8. Болалар учун куй ва қўшиқлар яратган композиторлар?

- А) С.Юдаков, Ш.Рамазонов, М.Бафоев, Ф.Алимов
- Б) М.Ашрафий, С.Бобоев, В.Успенский, Р.Абдуллаев
- В) Ҳ.Раҳимов, Н.Норхўжаев, Д.Омонуллаева, Ш.Эрматов

9. “Таълим тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган?

- А) 1990 йил
- Б) 1994 йил
- В) 1997 йил
- Г) 1999 йил

10. Мусиқа таълим тарбиясининг бош мақсади?

А) Ўқувчи ёшларни миллий мусиқа воситасида маданиятли қилиб тарбиялаш?

Б) Ёш авлодни миллий мусиқа, маданий мерос ва қадриятлар руҳида маданиятли қилиб тарбиялаш

В) Ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган ва умумбашарий мусиқа намуналарини англайдиган, қадрлайдиган маданиятли инсонлар қилиб тарбиялаш

11. Мусиқа таълим тарбиясининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари мусиқа таълим-тарбия Концепциясининг нечанчи бобида баён етилган?

- А) 1 боб
- Б) 4 боб
- В) 3 боб
- Г) 5боб

12. Мусиқа таълими мазмуни асосини қайси фаолиятлар ташкил этади?

- А) Мусиқа тинглаш ва куйлаш
- Б) Мусиқа саводи ва куйлаш
- В) Мусиқа саводи ва болалар чолғу асбобларида чалиш
- Г) Хор бўлиб куйлаш ва мусиқа адабиёти

13. Барча билимларни назарий бирлаштирувчи фаолият?

- А) жамоа бўлиб куйлаш
- Б) мусиқа тинглаш
- В) мусиқа саводхонлиги
- Г) мусиқа адабиёти

14. Мусиқа тинглаш фаолияти неча босқичда амалга оширилади?

- А) 3 босқичда
- Б) 4 босқичда
- В) 5 босқичда
- Г) 2 босқичда

15. 4-синф мусиқа дарслигининг муаллифлари ким?

- А) Х.Нурматов
- Б) О.Иброхимов ва бошқалар
- В) А.Мансуров

16. Ўзбек халқи мусиқа меросида маҳаллий (локаль) услублари неча?

- А) 5 та
- Б) 4 та
- В) 6 та
- Г) 3 та

17. Ўзбек мусиқа меросининг икки қатлами қандай номланади?

- А) классик ва замонавий мусиқа
- Б) классик ва халқ мусиқаси
- В) халқ мусиқаси ва касбий мусиқа

18. Достонларни ким ижро этади?

- А) мақомчилар
- Б) қўшиқчилар
- В) ҳофизлар

Г) бахшилар

19. Мусиқа маданияти фани 5-синф дарслигининг муаллифлари?

А) Бегматов С ва бошқалар

Б) Мансуров А ва бошқалар

В) Нурматов Ҳ ва бошқалар

Г) Иброҳимов В ва бошқалар

20. Ўзбекистонда мақомларнинг қандай турлари мавжуд?

А) Бухоро шашмақоми, Тошкент мақоми, Хоразм мақоми

Б) Фарғона мақоми, Самарқанд мақоми, Тошкент мақоми

В) Бухоро шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона ва Тошкент мақом йўллари

21. Шашмақом бўлимларининг номлари?

А) Назм ва Наво

Б) Мушкулот ва Наср

В) Назм ва Наср

22. “Мушкулот” қисми қандай номланади?

А) Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақил

Б) Таржеъ, Наво, Дугоҳ, Ирок, Сегоҳ

В) Бузрук, Рост, Сегоҳ, Наво, Сақил

23. “Асарни тинглашга болалар диққатини жамлаш ва асар ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи” мусиқий фаолиятнинг қайси турида қўлланилади?

А) қўшиқ куйлаш

Б) мусиқа саводи

В) мусиқа тинглаш

Г) мусиқа ижодкорлиги

24. Ўзбекистон Республикаси Умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси Концепциясида “Ҳозирги замон мусиқа ўқитувчиси” тўғрисида нечанчи бўлимда таъриф берилган?

А) I-бўлимда

Б) III-бўлимда

В) IV-бўлимда

Г) V-бўлимда

Д) VI- бўлимда

25. “Мусиқа муаллими педагогик мулоқот устаси бўлиши, турли вазиятларда ҳам педагогик таъсир усулларида унумли фойдаланиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим” деган талаб қайси ҳужжатда баён этилган?

- А) “Таълим тўғрисида”ги Қонунда
- Б) “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да
- В) “Ўзбекистон Республикаси Умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбия Концепциясида”
- Г) Давлат таълим стандартларида

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил июлдаги ПФ 3431-сонли фармони нима ҳақида?

- А) мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш
- Б) мактаб таълимини ривожлантириш, Давлат умуммиллий дастури тўғрисида
- В) умумтаълим мактаблари меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида

27. 7-синф “Мусиқа” дарслигининг муаллифлари?

- А) Х.Нурматов, Н. Норхўжаев
- Б) О.Иброҳимов, Х.Нурматов
- В) А.Мансуров, О.Иброҳимов
- Г) О.Иброҳимов, Ж.Садиров

28. Сурхандарё -Қашқадарё мусиқа услуби ҳақидаги тушунча нечанчи синфда ўтилади?

- А) 4-синфда
- Б) 6-синфда
- В) 7-синфда
- Г) 5-синфда

29. Катта ашула, яллачилик санъати тўғрисида маълумотлар нечанчи синф дарслигида киритилган?

- А) 2-синф
- Б) 4-синф
- В) 6-синф
- Г) 7-синф

30. Шашмақомнинг Наср (ашула) бўлими биринчи гуруҳ айтимлари қандай номланади?

- А) Сароҳбор, Талқинча, Кашқирча, Наср
- Б) Сараҳбор, Талқинча Наср, Уфор
- В) Уфор, Талқинча, Савт, Сараҳбор

31. Шашмақомнинг Наср (ашула) бўлими иккинчи гуруҳ айтимлари қандай номланади?

- А) Савт, Мўғулча, Талқинча, Кашқарча, Соқинома, Уфор
- Б) Наср, Мўғулча, Талқин, Сараҳбор, Уфор
- В) Савт, Мўғулча, Сараҳбор, Наср, Уфор, Талқинча

32. Бухоро мақомларининг таниқли ва машҳур ижрочилари кимлар?

- А) Комил Хоразмий, Матёқуб Харритов, Хожихон Болтаев, Абдуқодир Исматов
- Б) Ота Жалол Носир, Ота Ғиёс Абдуғани, Домла Ҳалим Ибодов, Бобохонов
- В) Матёқуб Харритов, Матниёз Юсупов, Абдуқодир Исматов, Муҳиддин Нажмиддинов

33. Телевидения ва кинонинг мусиқа ривожига таъсири тўғрисидаги маълумотлар нечанчи синф “мусиқа” дарслигида киритилган?

- А) 3-синф
- Б) 5-синф
- В) 7-синф
- Г) 6-синф

34. Мусиқа ҳақида мулоҳазалар билдирган Шарқ алломалари?

- А) Аристотель, Фаробий, М.Удий
- Б) Фаробий, Ибн Сино, А.Навоий
- В) Беруний, Жомий, Чустий

35. Хоразм дostonчилик анъаналари тўғрисида нечанчи синфда маълумотлар берилган?

- А) 4-синф
- Б) 6-синф
- В) 5-синф
- Г) 7-синф

36. Фарғона Тошкент мақом йўллари тўғрисидаги маълумот нечанчи синф “музыка” дарслигида киритилган?

- А) 3-синф
- Б) 5-синф
- В) 7-синф
- Г) 6-синф

37. Рус классик музыкасининг асосчиси ким?

- А) М.Мусоргский
- Б) Бардин
- В) Глинка
- Г) П.Чайковский

38. Музыка санъатида рус композиторларида “реализм” тамойиллари кузатиладиган ижодкорлар?

- А) Ж.Верди, Ж.Бизе, Ф.Шопен
- Б) М.Глинка, М.Мусоргский, П.Чайковский
- В) А.Бородин, Ф.Лист, Л.Бетховен

39. Вена классик мактаби намояндалари?

- А) Й.Гайдн, В.А.Моцарт, Л.Бетховен
- Б) А.Бородин, Ф.Лист, Ж. Бизе
- В) М.Глинка, Ф.Шопен, П.Чайковский

40. “Ялла” нима?

- А) Банд-накорат шаклига эга айтим бўлиб, рақсга тушиб куйланади
- Б) Банд-куплетли шаклга эга сўзсиз қўшиқ
- В) Куплетли шаклга эга аёллар ва эркаклар томонидан куйланадиган қўшиқ

41. “Юрт ишқида ёнаман” қўшиғининг муаллифлари ким ва у нечанчи синфда ўргатилади?

- А) П.Мўмин шеъри Д.Омонуллаева музыкаси, 4-синфда
- Б) Н.Нарзуллаев шеъри Ф.Алимов музыкаси, 5-синфда
- В) Н.Нарзуллаев шеъри Ғ.Зокиров музыкаси 7-синфда
- Г) М.Туробова шеъри Қ.Мамиров музыкаси 6-синфда

42. Беш жилдлик “Ўзбек халқ мусикаси” ҳамда олти жилдлик “Шашмақом” тўпламлари муаллифлари ким?

- А) Тўхтасин Жалилов
- Б) Юнус Ражабий
- В) Фахриддин Содиков

43. 1917-1975 йилларда яшаб ижод қилган Хоразм мақомларининг атоқли ижроچиси машҳур хонанда, созанда ва бастакор исми шарифи ким?

- А) Комил Хоразмий
- Б) Мадрахим Ёқубов
- В) Комилжон Отаниёзов
- Г) Матниёз Харратов

44. Хоразм мақомлари қандай номланади?

- А) Бузрук, Рост, Ироқ, Дугоҳ, Сегоҳ, Наво
- Б) Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ

45. “Шарқ таронаси” фестивали мадҳиясининг муаллифлари?

- А) П.Мўмин шеъри Ҳ.Раҳимов мусикаси
- Б) Ҳ.Муҳаммад шеъри А.Мансуров мусикаси
- В) У.Азим шеъри Д.Омонуллаева мусикаси

46. Турк мақомларининг таркибий қисмлари?

- А) Рост, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ, Наво, Бузрук
- Б) Таксим, Кор, Баста, Оғир самой, Шарқийлар, Уйруқ самойлар, Соз самойси
- В) Шур, Моҳир, Сегоҳ, Чоргоҳ, Рост, Панжгоҳ

47. Туркман мумтоз мусикасининг асосий жанрлари?

- А) Достонлар, бадиий адабиёт намуналарига асосланган ашулалар
- Б) Достонлар, яллалар, катта ашулалар, қўшиқлар
- В) Достонлар, мақомлар, мумтоз қўшиқлар, лирик айтимлар

48. Эрон касбий мусикасининг асосий жанри?

- А) Мақом
- Б) Муғом
- В) Дастгоҳ

49. Ашула нима?
А) Бу бадийий сўз ва куй уйғунлигида басталанган асар
Б) Бу куплет ва нақорат шаклида тузилган мусиқий асар
В) Бу қўшиққа нисбатан ривожланган, шакл жиҳатидан каттароқ бўлган авжли асар
50. “Шашмақом” қачон ва қерда шаклланган?
А) XVII-асрда Хоразмда
Б) XVII-XVIII-асрларда Тошкентда
В) XVIII-асрда Бухорода
51. “Шашмақом” таркибида йирик шаклдаги куй ва ашулалар сони қанча?
А) 310 дан ортик
Б) 250 дан ортик
В) 200 дан ортик
52. “Катта ашула” қайси вилоят маҳаллий услубига хос вокал жанри?
А) Бухоро
Б) Хоразм
В) Фарғона
Г) Қашқадарё
53. Хоразм мақомлари қачон нотага олинган?
А) XIX асрда В.Успенский томонидан нотага олинган
Б) XIX асрда “Хоразм танбур чизиги” асосида нотага олинган
54. 6-синф учун мусиқа дарслигининг муаллифлари?
А) Ҳ.Нурматов, О.Иброхимов, Д.Каримова
Б) С.Бегматов, Д.Каримова, Қ.Мамиров
В) О.Иброхимов, С.Жалилов, Х.Нурматов
55. Мумтоз мусиқа нима?
А) халқ ижоди ва профессионал йўналишдаги яратилган асар
Б) профессионал мусиқа жанри энг сара намуналари
В) халқ ижодиётининг профессионал йўналишга хос бўлган энг сара мусиқий намуналари
56. Қадимдан мумтоз мусиқа ёшларга қандай ургатилган?
А) нота ёзуви орқали
Б) устоз-шогирдлик орқали
В) миллий созларни ўргатиш орқали

57. Мумтоз мусиқа таркиби неча хил шаклга эга?
А) икки хил-чолғу мусикаси, ашула йўллари
Б) Уч хил-чолғу мусикаси, ашула, ижрочилик
В) тўрт хил-чолғу мусикаси, ашула, ансамбл, ижрочилик
58. Мумтоз куйларни изоҳланг.
А) Андижон полкаси, лазги, қайроқ яллasi, роҳат наво
Б) Чўли Ироқ, Мирзадавлат, Муножот, Роҳат, Шароб I-II
В) Жонон, Савти муножот, Дугоҳ, Ялла, Лолача, Ироқ
59. Дамли чолғулар гуруҳига кирадиган созлар?
А) Чанг, доира, най, рубоб,
Б) Най, қўшнай, сурнай, карнай
В) Афғон рубоби, қонун, чанг, ғижжак
60. "Шашмақомнинг" Мушкулот қисми қандай номланади?
А) Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ,
Б) Мухаммас, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ,
В) Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақил
61. Бухоро -Самарқанд мусиқа услубида қўшиқ ва рақс ту ркумлари?
А) Қарсак, бешқарсак, уч қарсак, қўш қарсак, майда қарсак
Б) уч қарсак, ялла, ялла ашулалари
В) Терма, ялла қўшиқ, байт, ашула.
62. Фарғона-Тошкент мусиқа услубиётидаги айтимлар?
А) Қарсак, бешқарсак, қўш қарсак, майда қарс
Б) Терма, ялла, қўшиқ, байт, ашула
В) терма, ялла, алла, ашула
63. Ўқитувчи ижросида ёки техник воситалари ёрдамида асарни тинглашни ташкил этиш, мусиқа фаолиятини қайси босқичида амалга оширилилади?
А) мусиқа саводхонлиги
Б) Қўшиқ куйлаш
В) мусиқа тинглаш
Г) Хор-вокал машқлари
64. Боланинг ақлий, эстетик ва жисмоний ривожланишини тарбиялайдиган фаолият тури?
А) Жамоавий айтим
Б) Рақс мусиқавий йўл ва мусиқа билан ишлаш
В) мусиқа саводи, мусиқа адабиёти
Г) айтим машқлари болалар мусиқа чолғуларини чалиш

65. “Интерфаол” қандай мусиқий усул?

- А) “Ўқувчи-ўқувчи” “Ўқитувчи-ўқувчи” ўртасида содир бўладиган мулоқот усули
- Б) Ўқитувчининг ўқувчилар билан бўладиган мулоқот усули
- В) Ўқувчиларнинг мустақил билим олиш усули

66. Ўзбек халқ мусиқа чолғулари неча гуруҳга ажратилади?

- А) 3 гуруҳга-торли, дамли, зарбли
- Б) 4 гуруҳга- урма, пуфлама, камонли
- В) 5 гуруҳга- зарбли,урма, торли, пуфлама, плектр

Мушиқа тести жавоблари

- | | |
|-------|-------|
| 1. В | 34. Б |
| 2. Г | 35. Г |
| 3. Б | 36. В |
| 4. В | 37. В |
| 5. В | 38. Б |
| 6. В | 39. А |
| 7. В | 40. А |
| 8. В | 41. Б |
| 9. В | 42. Б |
| 10. В | 43. В |
| 11. В | 44. Б |
| 12. А | 45. В |
| 13. В | 46. Б |
| 14. Б | 47. А |
| 15. Б | 48. В |
| 16. Б | 49. В |
| 17. В | 50. В |
| 18. Г | 51. Б |
| 19. Б | 52. В |
| 20. В | 53. Б |
| 21. Б | 54. Б |
| 22. А | 55. В |
| 23. В | 56. Б |
| 24. В | 57. А |
| 25. В | 58. В |
| 26. Б | 59. Б |
| 27. Г | 60. В |
| 28. В | 61. А |
| 29. Г | 62. Б |
| 30. Б | 63. В |
| 31. А | 64. Б |
| 32. Б | 65. А |
| 33. В | 66. А |

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги қонуни”.*
Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётнинг пойдевори-
Тошкент. “Шарқ”, 1997.
2. *Узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув*
дастури- Тошкент, 2010.
3. *Малака ошириш ва қайта тайёрлаш Давлат талабларининг*
қайта такомиллаштирилган варианты. 3-қисм.-Тошкент 2009
йил 96-105 бетлар.
4. *Бўлажак мусиқа ўқитувчисининг педагогик маҳорати асослари.*
Тузувчи: Т.В.Шевченко. Т, 1991.
5. *Бўлажак ўқитувчининг ахлоқий шаклланиши. Т., «Ўқитувчи»,*
1979.
6. *Омонуллаев Д. Мактабда мусиқа тарбияси методикасидан*
лекциялар курси. Тошкент. “Ўқитувчи”1990.
7. *“Маърифат” газетаси 1992, 25 ноябрь.*
“Маърифат” газетаси 2008, 17 май.

Мундарижа

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тўғрисидаги
Низом

2008 йил 7 июлдаги “Болалар мусика ва санъат
мактабларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш
ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича
2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги
ПК-910-сонли Қарорнинг аҳамияти

Мусика маданияти фанининг мақсад ва вазифалари

Мусика маданияти фани ўқитувчилари

Мусика маданияти таълими фан хонаси

Педагогик маҳорат - мусика ўқитувчиси
касбий фаолиятининг асоси

Мусика маданияти дарсларида илғор педагогик
технологиялардан фойдаланиш

Илғор, тажрибали ўқитувчилар дарс
ишланмаларидан намуналар

Дарсни режалаштиришда эътибор берилиши
муҳим бўлган жиҳатлар

Мусика ўқитувчилари учун тестлар тўплами

Мусика тести жавоблари